


Доимий комиссиясида жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар муҳокама қилинди



Халқ депутатлари туман Кенгашининг доимий комиссияси навбатдаги «Зоом» йиғилишида туман ички ишлар бўлими бошлиғининг ўринбосари, Жамоат хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича комиссия раиси Жўрабек Хўжақуловнинг 2023 йил IV-чораги давомида жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш борасида қилинган ишлар, йўл қўйилган камчиликлар ва келгусидаги вазифалар юзасидан ахборотини тинглади.

Депутатлар томонидан амалга оширилаётган ишлаш юзасидан саволлар беришди ҳамда тизим билан боғлиқ аҳоли томонидан йўлланган мурожаатларга жавоблар олишди.

Келгусида бу борада амалга ошириладиган ишлар юзасидан чора-тадбирлар белгилаб олинди.